



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 27 ноябрь, № 254 (8034)

Шанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ЖАҲОН БОЖХОНА ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби Кунио Микурияни қабул қилди.



Мамлакатимиз ва ушбу нуфузли халқаро тузилма ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Жаҳон божхона ташкилотига 1992 йилдан аъзо. Кейинги йилларда мазкур ташкилот билан ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. 2019 йилда ҳамкорликнинг "Йўл харитаси" қабул қилинди. Юртимиз Киото ва Истанбул конвенцияларига қўшилди ҳамда Савдога қўмақлаш глобал дастурида иштирок этиш тўғрисидаги би-

тимни имзолади. Унинг доирасида 12 та тadbир ўтказилган. Ташкилот кўмаги билан 2020 йил январь ойида "Ягона дарча" автоматлаштирилган тизими, Божхона назоратини мувофиқлаштириш бўйича ситуацион марказ ишга туширилди. Яқинда мамлакатимиз Божхона лабораторияси Жаҳон божхона ташкилотининг Минтақавий лабораторияси макomini олди. Ўзбекистон Давлат божхона кўмитасининг Божхона институти ушбу халқаро тузилманинг Тадқиқотлар дастурида аккредитациядан ўтди.

Божхона ходимларининг малакасини оширишга кўмаклашилмоқда. Кейинги бир неча йилда юртимизнинг 200 нафардан зиёд божхоначилари ташкилотнинг қисқа мuddатли ўқув курсларида иштирок этди. Бундан ташқари, минтақавий ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Кеча Тошкент шаҳрида ўтган минтақа мамлакатлари божхона хизматлари вакиллари учрашуви ҳам самарали бўлди. Бош котиб Кунио Микурия билан учрашувда Ўзбекистон Давлат божхона кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш

ва унинг самардорлигини ошириш бўйича ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Рақамлаштириш, илгир халқаро стандартларни жорий этиш, интеллектуал тизимлардан фойдаланган ҳолда божхона постларини модернизация қилиш, коррупция, контрабанда ва божхона соҳасидаги қондабузарликларга қарши курашиш борасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш ва бошқа йўналишларда кўшма тadbир ва лойиҳаларни амалга ошириш муҳим экани қайд этилди.

Мамлакатимиз Жаҳон савдо ташкилотига тез фурсатда кириши билан боғлиқ масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилиш зарур экани таъкидланди. Ўзбекистон ва Жаҳон божхона ташкилоти ўртасидаги амалий шерикликни кенгайтириш бўйича янги "Йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ҚОЗОҒИСТОН RESPUBLIKASINING BIRINCHI PREZIDENTI БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Элбошини яқинлашиб келаётган байрам — Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти куни билан табриклаб, мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва янги зафарлар, биродар Қозоғистон халқига бардавом тараққиёт ва раванқ бади. Нурсултон Назарбоевнинг замонавий Қозоғистонни барпо этиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришдаги тарихий ўрни ва улкан шахсий ҳиссаси қайд этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари бугун юксак даражада кўтарилгани мамнуният билан таъкидланди. Жорий йил бошидан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 40 фоизга ошди, икки мамлакатнинг етакчи компания ва корхоналари ўртасидаги саноат кооперацияси кенгайиб бормоқда. Туркистон шаҳрида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари раҳбарлари иштирокида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва Худудлар форуми ўтказилмоқда. Бундан ташқари, маданий-гуманитар алмашинувга доир муҳим дастурларни амалга ошириш фаол давом эттирилмоқда. Телефон мулоқоти чоғида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди, бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 28 ноябрь куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Ашхобод шаҳрида бўлади.

Тadbир кун тартибига мувофиқ, ташкилот доирасидаги кўп томонлама шерикликни янада кенгайтириш, энг аввало, савдо муносабатларини ривожлантириш, минтақанинг транзит салоҳиятини ошириш, "яшил иқтисодиёт"ни илгари суриш ва инновацияларни жорий қилиш масалалари кўриб чиқилади. Саммитнинг якуний ҳужжатини қабул қилиш кўзда тутилган. Туркменистонга ташриф дастури доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) минтақавий кўп томонлама тузилма бўлиб, минтақа мамлакатлари ўртасидаги яқин савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида 1985 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда ташкилотта Ўзбекистон, Туркия, Эрон, Покистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон аъзо. Мамлакатимиз ИХТга 1992 йилда қўшилган.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 14 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 21 октябрда маъқулланган 1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Музейлар тўғрисида»ги ЎРҚ-177-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 9, 483-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар киритилсин: 1) қуйидаги мазмундаги 271-модда билан тўлдирилсин: «271-модда. Музейларнинг фаолият турлари Музейлар қонунчилиқда таққиланмаган ҳамда ушбу Қонуннинг 24-моддасида назарда тутилган музейларни ташкил этиш мақсадларига мос бўлган фаолият турларини ўз таъсис ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши мумкин. Бунда музейлар томонидан музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиши таъминланиши керак»; 2) 28-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин: «Давлат музейларига пулли хизматлар кўрсатишдан, хайриялардан ҳамда қонунчиликда таққиланмаган бошқа манбалардан келиб тушадиган маблағлар келгуси йил учун бюджетдан молиялаштириш ҳажмини белгилашда ҳисобга олинмайди ва ушбу маблағлар ҳисобига бюджетдан молиялаштириш миқдори камайиришмайди. Бунда кўрсатилган маблағлардан давлат музейларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва қонунчиликда таққиланмаган бошқа мақсадлар учун фойдаланилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин. 3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин. 4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2021 йил 26 ноябрь № ЎРҚ—732

ЎЗБЕКИСТОН — ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтадиган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)нинг ўн бешинчи саммитида иштирок этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг бундан аввалги саммити шу йил 4 март куни видеоанжуман шаклида ўтказилган эди. Ўзбекистон ИХТга 1992 йил 28 ноябрь куни аъзо бўлиб кирган. Ташкилот Котибияти ва аъзо мамлакатлар Ўзбекистонни минтақадаги муҳим давлат деб билади ва республикамиз билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорлари ҳисобланганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2020 йил якунларига кўра Ўзбекистон ва ушбу мамлакатлар ўртасидаги савдо айланмаси 8,3 миллиард долларга тенг бўлди. Шу жумладан, экспорт 4,3 миллиард долларни, импорт эса 4 миллиард долларни ташкил этди. ИХТ мамлакатлари инвесторлари иштирокида Ўзбекистонда 4,5 мингга яқин қўшма ва хорижий корхоналар очилган. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ИХТ билан ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. 2018 йилдан буён ташкилот раҳбарияти мамлакатимизга бир неча бор сафар қилган. Бош котиб Ҳади Сулаймонпур жорий йилнинг 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" деб номланган юқори

даражадаги халқаро конференцияда иштирок этди. Ташкилотнинг янги бош котиби Хусрав Нозирий 24 октябрь куни Ўзбекистон Президентини сайловида халқаро кузатувчи сифатида қатнашди. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақавий тузилма бўлиб, 1985 йили Техронда ташкил этилган. Бугунги кунда ташкилотга 10 та давлат — Ўзбекистон, Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркия, Туркменистон ва Покистон аъзодир. Ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий аҳолиси 500 миллион кишидан ортиқ, давлатлараро савдо айланмаси эса 900 миллиард доллардан ошади. 2021 йил 13 августдан Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига давлатларнинг умумий аҳолиси 500 миллион кишидан ортиқ, давлатлараро савдо айланмаси эса 900 миллиард доллардан ошади. 2021 йил 13 августдан Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига давлатларнинг умумий аҳолиси 500 миллион кишидан ортиқ, давлатлараро савдо айланмаси эса 900 миллиард доллардан ошади. 2021 йил 13 августдан Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига давлатларнинг умумий аҳолиси 500 миллион кишидан ортиқ, давлатлараро савдо айланмаси эса 900 миллиард доллардан ошади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон вакиллари ИХТ шафелигида ўтказилаётган халқаро тadbирлардаги иштироки сезиларли даражада фаоллашди. Мамлакатимиз расмий делегациялари бош прокурорлар, денгиз ташкилотлари раҳбарлари, транспорт, туризм ва қишлоқ хўжалиги вазирлари, шунингдек, табиий қазилмалар бўйича

«Дунё» АА.

Мулоқот

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон парламенти делегацияси муваффақиятли иштирок этди. Ушбу нуфузли анжуман доирасида қатор тadbирлар ташкил қилиниб, уларда парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва шу орқали МДХ мамлакатлари ўртасида барча йўналишдаги алоқаларни янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратилди. Тadbирни МДХ ПА Кенгаши раиси Валентина Матвиенко очди ва мавзу долзарблигини қайд этди ҳамда пандемияга қарши курашишнинг унча жиҳатини алоҳида ажратиб кўрсатди. Улар вақтиндан фойдалана олиш, фавқулодда вазиятлар юзга келганда унга чора кўриш самардорлигини ошириш ва аҳолини соғлиқни сақлаш хизматлари билан имкон қадар кенгрок қамраб олишдан иборат.

Ялпи мажлис

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАРОМИГА ЕТКАЗИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда атрофлича муҳокама қилдилар. Юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида барча соҳада изчил ва кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун олиб борилаётган эзгу амаллар алоҳида эътирофга лойиқ. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, бюджет ва молия соҳасини либераллаштириш, энг муҳими, ижтимоий соҳани мақсадли қўллаб-қувватлаш борасидаги савий-ҳаракатлар бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Мазкур истиқболли мақсадларнинг узвийлигини таъминлаш учун бюджет параметрларининг парламент томонидан кўриб чиқилиши ва маъқулланиши муҳим аҳамият касб этади. Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат мукаммал бўлиб, у мамлакатни комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган билан аҳамиятлидир. Ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллангандан сўнг парламент қуйи палатасининг бар-

3

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

Конференция ишида МДХ ПА парламентлар делегациялари раҳбарлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси раҳбарияти иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз маърузасида Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни алоҳида қайд этиб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш бўйича БРМга эришиш тажриба-

ўрганишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси раҳбари соғлиқни сақлаш хизматлари билан умумий қамров муаммоси долзарблигини инобатга олиб, ушбу масалага бағишланган форумни мунтазам равишда ўтказиш таклифини билдирди.

Сўзга чиққанлар пандемия давлатларимиз ҳаётининг барча жаҳасига жиддий таъсир кўрсатганлигини, халқаро ҳамжамият учун асосий муаммога айланганини алоҳида таъкидлади. Иштирокчилар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкило-

бий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини қонунчилик йўли билан таъминлашда парламентларнинг ўрни ҳамда "Соғлиқни сақлаш хизматлари билан умумий қамров ҳуқуқи: сифатли тиббий-санитария ёрдамидан ҳам-манинг фойдалана олиши ва молиявий хавфлардан ҳимояланиш" мавзуларида мунозаралар ўтказилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси тақдирланди

МДХ ПА Кенгашининг мажлисида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстли-

учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева МДХ ПАнинг "Парламент ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун" медали билан тақдирланди.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган Президент сайловига юқори баҳо берилди

Шу кунги МДХ ПА Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ташкилотнинг 53-ялпи мажлиси кун тартиби ҳамда 2022 йилга мўлжалланган иш режаси муҳокама қилинди.

Сўнгра иштирокчилар Ҳамдўстлик маконидан бўлиб ўтган сайловлар, шу жумладан, 2021 йил 24 октябрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мониторинги натижаларини кўриб чиқди.

Мажлисида Ўзбекистон Президенти сайловига юқори баҳо берилди. МДХ ПА Кенгаши вакиллари фикрга кўра, сайлов халқаро андозаларга мувофиқ очик, демократик ва шарфоз ўтган.

Шунингдек, 2021 йил 28 ноябрда бўлиб ўтадиган Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші депутатлари сайлови масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қ. Бурҳонов бошчилигидаги мониторинг гуруҳи ташкил этилиб, унинг таркибига 75 нафар халқаро кузатувчи киритилган.

Тақдирда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Сўнгра МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2021 йил 15 октябр ва МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг 2021 йил 12 ноябрдаги қарорлари юзасидан ахборот эшитилди.



Шунингдек, тақдирда маданиятлараро ва динлараро мулоқот бўйича Бутунжаҳон конференциясига тайёргарлик кўриш, тўққизинчи Невский халқаро экология конгресси ҳамда учинчи Евроосий аёллар форуми якунлари масалалари кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, иштирокчилар Парламентлараро Ассамблея томонидан тақдирлар юқори савияда ўтказилаётганини қайд этиб, МДХ ПА сайтыда ўз гоёларини билдириш ҳамда турли масалаларда тажриба алмашиш имконияти яратилгани учун ташкилотчиларга миннатдорлик изхор этишди.

Ташкилий масала кўриб чиқилди

Нуфузли анжуман доирасида МДХ ПА Сиёсий масалалар ва халқаро ҳамкорлик бўйича доимий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Россия парламентларидан комиссия аъзолари ҳамда экспертлар ва Кенгаши котибияти ходимлари иштирок этди.

Мажлисида ташкилий масала кўриб чиқилди. Озарбайжон Республикаси Милли Межлисининг Халқаро муносабатлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси аъзоси Р. Мусабекова, Арманистон Республикаси Миллий Мажлиси Раисининг ўринбосари Р. Рубинян ва Тожикистон Республикаси Мажлиси Оли Мажлиси намояндагонининг Халқаро ишлар, жамоат билан алоқалар ва ахборот кўмитаси раиси С. Фаттоҳзода Комиссия раисининг ўринбосарлари этиб сайланди.

Шунингдек, иштирокчилар халқаро тузилма Кенгашининг "Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг 30 йиллиги

тўғрисида"ги баёноти лойиҳасини ҳам кўриб чиқди ва маъқуллади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Р. Алимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Комиссия мажлисида парламентлараро мулоқотни такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро конференцияга тайёргарлик кўриш, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси ва Парламентлараро Иттифок бўйича муҳим парламентлараро тақдирлар, шунингдек, 2021 йилда Ҳамдўстлик мамлакатларида бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловларида ташкилот кузатувчилари гуруҳлари иштироки тўғрисидаги ахборот эшитилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.



си билан ўртоқлашишга тайёрлигини, шунингдек, профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, жумладан, юқумли ва ирсий касалликлар тарқалишига қарши курашиш бўйича ҳамкор давлатлар илғор тажрибасини

тининг Европа минтақавий бюроси билан МДХ ПА ўртасидаги очик мулоқот шу йўналишдаги кўплаб саволларга жавоб топишга ёрдам беришига ҳам уруғ қаратди.

Анжуман доирасида "Жамият соғлиқни сақлаш хизматлари ва тиб-

би иштирокчи давлатларида модель ва миллий қонунчиликни, тартиб-таъминоти ривожлантиришга, демократия ва конституциявий тузумни мустаҳкамлашга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қўшган алоҳида ҳиссаси

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?

2021 йил 26 ноябрь кунги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил 9 ойи якунлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазири Темури Ишметов маъруза қилди. Ҳукумат тақдим этган ҳисоботга кўра, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунида белгиланган бюджет параметрлари доирасида амалга оширилиб, пандемия оқибатларини бартараф этишга қаратилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Мажлисида таъкидланганидек, жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти 6,9 фоиз ўсган, инфляция йил бошидан 5,9 фоизни ташкил қилган. Давлат бюджети даромадлари 116,0 трлн. сўмга етиб, белгиланган прогноз 108,4 фоизга ошириб бажарилган. Даромадлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 21,6 трлн. сўм кўп бўлган бўлса, харажатлари давлат мақсадли жамғармаларисиз 130,3 трлн. сўмни ташкил этган.

Пандемия келтириб чиқарган қийинчиликларга қарамай, Давлат бюджетининг 2021 йил 9 ой харажатлари давлат мақсадли жамғармаларисиз 130 265,1 млрд. сўм, аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 95,8 фоиз ёки ЯИМга нисбатан 25,1 фоиз бўлган. Шунингдек, 2021 йил учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан 287 та мактабга таълим муассасаси, 615 та умумтаълим мактаби, 105 та тиббиёт муассасаси, 6 та олий ўқув юрти бинолари, талабаларнинг 3 та тураржойларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, 300 та объектда 4 минг километрдан зиёд ичимлик ва оқова сув қувурларини тортиш, 420 та иншоотда қуриш ва реконструкция ишлари ҳисобига 1 миллион 800 минг нафардан зиёд фуқароларнинг ичимлик суви таъминоти яхшилангани эришилган.

Мажлисида ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 64 038,0 млрд. сўм ёки умумий харажатларнинг 49,2 фоизи миқдоридан маблағ сарфлангани, бу харажатлар ЯИМга нисбатан 12,3 фоизни ташкил қилгани қайд этилди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан 16 509,8 млрд. сўм миқдоридан маблағлар йўналтирилган. Бу эса ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 2 871,3 млрд. сўмга кўп демакдир.

Мажлисида депутатлар эътиборни, энг аввало, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалаларига қаратди. Айрим вазирлик ва идоралар томонидан ривожлантириш дастурлари учун харажатлар ва капитал қўйилмалар тўлиқ ўзлаштирилмагани салбий баҳоланди. Ўтган 9 ойда мактабга таълим муассасаларининг қурилиш-таъмирлаш

ишлари учун ажратилган 1 141,1 млрд. сўмдан 629,1 млрд. сўми, умумтаълим мактаблари учун ажратилган 3 231,8 млрд. сўмдан 2 364,9 млрд. сўми, тиббиёт муассасалари учун ажратилган маблағларнинг 1 644,5 млрд. сўмдан 926,8 млрд. сўми ёки 56,4 фоизи ўзлаштирилгани танқид остига олинди.

Шу билан бирга, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг маблағларидан мақсадли фойдаланиш борасида ҳам кам-

чиликларга йўл қўйилган. Давлат молиявий назорати тақдирлари давомида 728,8 млрд. сўм миқдоридаги молиявий ҳаттоликлар, шундан 83,7 млрд. сўм миқдоридаги пул маблағлари ва моддий бойликлар камомати аниқланган.

Муҳокама қилинган жараёнида депутатлар томонидан бюджетни шакллантириш ва ижросини таъминлашда натижадорлик муҳим экани таъкидланди. Бу борада молия ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идораларга бюджет маблағла-

рининг натижадорлигига оид маълумотларни кўпроқ ёритиш масаласи кўйилди.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлашда мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш бўйича тегишли таъсирлар берилди. Бунинг учун парламент ва жамоатчилик назорати механизмларидан кенг фойдаланиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Мажлисида кун тартибидagi масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ишлар қўмитаси раиси Шарофиддин Назаров ҳам қўшимча маъруза қилди. Қайд этилдики, давлат инвестиция дастурига ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар ва улардан мақсадли ҳамда самарали фой-

даланиш борасида ҳисоботда етарли даражада таҳлилий маълумотлар берилмаган. Бу эса қўшимча муҳокама қилинган бўлиши мумкин.

Депутатлар аҳолини қийналтирган газ, ичимлик суви, электр таъминоти, йўллар, боғча, мактаб ва соғлиқни сақлаш масалаларига йўналтирилган бюджет маблағларининг натижадорлигига оид чуқур таҳлилий маълумотлар тақдим этилишини сўради.

Муҳокама давомида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда тақдирлар атрофлича кўриб чиқилиб, Вазирлар Мақамасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил 9 ойлиги бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Давлат бюджетининг жорий йил тўққиз ойидаги ижросини ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида сиёсий партиялар фракциялари вакиллари ўз нуктаи назари ва фикрларини баён қилди.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:



— Албатта, ҳозирги мурраккаб жараёнлар ва пандемиянинг салбий оқибатларига қарамай, давлатимиз ва ҳукумати-мизнинг қатъий ва тизимли чора-тадбирлари натижасида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётганини эътиборга олинг. Лекин ҳисобот даврида ютуқлар билан бирга, қатор муаммо ва камчиликлар ҳам кўзга ташланади.

Шу жиҳатдан, партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, Давлат бюджети ижросига оид ҳисоботларни ҳар бир вазирлик ва идоралар харажатлари сарфини уларга қўйилган вазифалар ижроси билан боғлаган ҳолда кўриб чиқиш таклиф этилди. Молия вазирлигиндан кейинги ҳисоботларда маъруза маълумотларини тақдим қилиб бориш сўралди.

Мухтабар ХУСАНОВА, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Ҳисобот даврида бошқа соҳалар каби таълим тизимида фаоллашиб олиб бораётган ходимларнинг иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тўлаб берилишига катта эътибор қаратилган. Бу харажатлар учун Давлат бюджетидан қарийб 18,0 трлн. сўм ёки таълим йўналишига ажратилган жами харажатларнинг 65,8 фоизи сарфланган.



Мақтабгача таълимга Давлат бюджетидан 5,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу маблағларнинг 5,4 триллион сўми харажат қилинди. Шу нуктаи назардан, 2021 йилнинг 9 ойи учун белгиланган вазифалар ижросини қонқарли, деб ҳисоблаймиз ва тақдим этилган ҳисоботни маъқуллаймиз.




— Жаҳонда давом этаётган глобал иқтисодий инқироз туфайли дунёнинг айрим минтақаларида тикланиш жараёни ҳали ҳам суус кечаётган бўлса-да, 2021 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми 2020 йилнинг мос давридагига нисбатан 6,9 фоиз ўсган. Бунинг давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижаси, деб ҳисоблаймиз.

Фирдавс ШАРИПОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил 9 ойи якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилишида аввалги ҳисоботлар билан солиштирилганда қатор ижобий ўзгаришларга эришилган.

Бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг ижроси тўғрисидаги маълумот-

Муқаддас ТИРКАШОВА, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:



— Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда сўнги йилларда атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ҳал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йил 9 ойда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун Давлат бюджетидан жами 3 539,6 миллиард сўм йўналтирилгани алоҳида эътиборга лойиқ. Бунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ўрмонлаштириш ишлари ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишга катта эътибор қаратилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, сўнги икки йилда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни утилизация қилиш жойлари давлат қадарларини юритиш учун бюджетдан маблағ ажратилаётганини юқори баҳоларимиз.

Шунингдек, сўнги икки йилда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни утилизация қилиш жойлари давлат қадарларини юритиш учун бюджетдан маблағ ажратилаётганини юқори баҳоларимиз.

Жорий йилда кластерлар томонидан 9,2 миллион тонна маҳсулот етиштирилган

Қайд этилганидек, вазирлик томонидан стратегия доирасида қатор ишлар рўёбга чиқарилган. Хусусан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва томоққадан самарали фойдаланиш мақсадида асосий турдаги қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қайта ишлаш ва сақлаш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Худудларни муайян турдаги маҳсулотлар етиштиришга бошқичма-бошқич иxtисослаштириш мақсадида 79,3 минг гектар ер майдонини ажратилган. Вазирлик ҳузуринда "Агросервис оператор" ДУК ташкил этилиб, 300 гектаргача майдонда плантация усулида интенсив боғ ва тоқорлар барпо қилиш ва етти йил муддатда тўлаш шарти билан аҳолига сотиш тизими йўлга қўйилган.

Жорий йилда кластерлар томонидан 9,2 миллион тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, шундан 1,8 миллион тонна пахта хом ашёси, 6,6 миллион тонна бошоқли дон ҳамда 838 минг тонна мева-сабзавот етиштирилган.

Шунингдек, 189,4 минг гектар майдонни қайта фойдаланишга киритиш, чўл, адир ҳудудлардаги лалми-яйлов ерларни ўзлаштириш учун ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш, насос агрегатлари ўрнатилиш ҳамда суғориш қудуқларини қазии ишлари амалга оширилмоқда.

Аммо шу билан бирга, соҳада ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, кредитлаш ва суғурталаш механизмининг қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат тармоқининг стратегик устувор йўналишлари ва эҳтиёжларига мос равишда такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳача ҳанузгача ишлаб чиқилмаган.

Бундан ташқари, фермер ҳўжаликларини тугатиш, қайта ташкил қилиш жараёнида қонунбузилиш ҳолатлари юзага келмоқда. Фермер ҳўжалиги раҳбарларига ҳабар бермасдан уларга ажратилган ер майдонлари захирга олиб қўйилмоқда. Ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юритувчи фермер ҳўжаликлари номи, раҳбари, фаолият тури, ер майдони, шартнома бўйича ҳосил миқдорини белгилаш, ер майдони олиб қўйилган фермер ҳўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар тўла эълон қилинмаган. Бу эса фермер ҳўжаликлари ҳуқуқларининг бузилиши сабаб бўлмоқда.

Қўрилган масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

СИРДАРЁДА ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ 11,6 ФОИЗ ЎСДИ

Бунинг омиллари нимада?

Очиги, бир вақтлар Сирдарё вилоятининг иқтисодий соҳа бўйича статистик ҳисоб-китобда саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши бугунгидек салмоқли эмас эди. Яъни ҳудуд иқтисодиётида, асосан, аграр соҳа устувор эди. Ҳозир эса асосинча. Масалан, биргина 2021 йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми таркибида саноатнинг улуши ўтган йилдагига нисбатан 1,0 бандга кўпайган бўлса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлариники 0,3 бандга камайди.



Таҳлил

Айниқса, кейинги беш йилда амалга оширилган улкан ва кенг кўламли иқтисодий ислохотлар тўғрисида ялпи иқтисодий ривожланишида катта бўлиши қайд этилди. Таъбир жоиз бўлса, энди унга нисбатан юришиб келинган "аграр ҳудуд" деган атама тарихга айланиб бормоқда. Кўплар янги лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши, саноатнинг барча ҳудудига ҳадаллик билан кириб бориши, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кўлами кенгайганига ҳамда бу борада бир неча кластерлар ташкил қилинганлиги ва бошқа ўнлаб янги-ча янгилашув тўғрисидаги қисқа вақт ичида ана шундай юқори натижага эришилди.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида вилоятда 11,0 триллион сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ишлаб чиқарилиб, ўтган йилдагига нисбатан ўсиш суръати 11,6 фоизни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига яратилган ЯҲМ ҳажми 12,7 миллион сўмга етиб, бу борада ўтган йилдагига қараганда 9,6 фоиз ўсишга эришилди.

Эътиборлиси, ЯҲМнинг 69,9 фоизи вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўри келади.

Айни чоғда ҳудудлар кесимида иқтисодий тармоқларнинг ўсиш суръатлари бўйича ҳам юқори натижа қайд этилди. Жумладан, мамлакатимизнинг 14 та ҳудуд ўртасида Сирдарё вилояти ўсиш суръатларига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми бўйича ишлаб чиқариш ва саноатда иккинчи, шунингдек, бошқа йўналишларда ҳам ана шундай юқори ўринларни эгаллади.

Бугунги кунда чет эл инвесторлари иштирокида қўшма корхоналар сони ҳам ортиб бормоқда. Биргина "Сирдарё" эркин иқтисодий зонасида ана шундай бир неча йирик саноат субъектлари ишлаб турибди. Қолаверса, жами майдони 660 гектар бўлган ушбу ҳудуднинг учдан икки қисмида ақин йиллар ичида яна янги 100 га яқин лойиҳалар амалга оширилди. Эркин иқтисодий зонанинг

Салоҳиддин ЯҲЁЕВ, Сирдарё вилояти Статистика бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси бўйича: профессор-1, доцент-1, ассистент-1.
Аналитик кимё кафедраси бўйича: доцент-1, катта ўқитувчи-1, ассистент-2.
Дори турлари технологияси кафедраси бўйича: катта ўқитувчи-1, ассистент-4.
Фармакогнозия кафедраси бўйича: кафедра мудири, профессор-2, доцент-4, ассистент-4.
Токсикология кимё кафедраси бўйича: доцент-2, катта ўқитувчи-1, ассистент-3.
Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси бўйича: кафедра мудири, профессор-1, доцент-1, катта ўқитувчи-2, ассистент-1.
Фармакология ва клиник фармация кафедраси бўйича: профессор-2, доцент-2, катта ўқитувчи-3, ассистент-3.
Фармацевтик кимё кафедраси бўйича: профессор-2, доцент-3, катта ўқитувчи-3, ассистент-4.
Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси бўйича: кафедра мудири, доцент-3, ассистент-4.

- Биотехнология кафедраси бўйича: кафедра мудири, профессор-1, доцент-4, катта ўқитувчи-1, ассистент-4.
Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси бўйича: кафедра мудири, профессор-2, доцент-2, катта ўқитувчи-4, ассистент-4.
Тиббий ва биологик фанлар кафедраси бўйича: доцент-1, ассистент-2.
Органیک синтез кафедраси бўйича: доцент-3, ассистент-4.
Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси бўйича: кафедра мудири, доцент-2.
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси бўйича: кафедра мудири, катта ўқитувчи-3, ўқитувчи-3.
Иجتимоий фанлар кафедраси бўйича: катта ўқитувчи-2.
Фармакогнозия ва дори воситаларини стандартлаш кафедраси бўйича: доцент-1, катта ўқитувчи-2.
Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва фармацевтик технология кафедраси бўйича: доцент-1.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарорига мувофиқ "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларига танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сон "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори асосида ўтказилади.

Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мuddат ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефонлар: 71-256-37-38, 71-256-38-50.

(*Халқ сўзи*нинг навбандидаги сони 29 ноябрь, душанба кунни чиқади).

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 466 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР: Депоихона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎСМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.
ГАЗЕТАНИНГ ОТКАЗИБ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУВАНИ РАСМИЙЛАШТИРГАН ТАНШЛОТ ЖАВОБГАР.
ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРМИД ХАМДА ОПЕРАТОР М. БЕГУРГАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ.
ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК АҲДАТДАН СИФАТИ ЧОП ЭТИЛИШИГА "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МАСЪУЛ. Босмахона телефони: 71-233-11-07.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусаҳҳах — С. Исмолов.
"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.41 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги

Бугун жамиятимиз улкан ислохотлар ва ўзгаришлар руҳи билан яшамоқда. Янги Ўзбекистон "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Ана шундай тарихий бир шароитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан

миллий маънавиятимиз, маданият ва санъатимиз, адабиётимиз ривожига, жамиятда китобхонлик маданиятини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу соҳалар — юртимизда барпо этилажак учинчи Ренессанснинг таянч устунларидан бири ҳисобланади.

МАЪРИФАТ ВА ЭЗГУЛИК МАШЪАЛИ

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 октябрдаги "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори соҳага қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида ҳазрат Навоий илмий ва ижодий меросини янада чуқур ўрганиш ва оммалаштириш, асарларини нашр қилиш ишлари олиб боришмоқда. Юртимиз бўйлаб қатор тадбирлар, маънавий-маърифий кечалар, илмий анжуманлар ташкил этилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида буюк шоир таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали адабий-бадвий кеча ана шундай тадбирларнинг биридир. Унда таниқли давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, хорижий меҳмонлар, ижодий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, талабалар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар кейинги йилларда юртимизда Алишер Навоий даҳосига қўрсатилаётган юксак эҳтиром, буюк шоир адабий ва илмий меросини оммалаштириш борасида қилинаётган тизимли ишларга алоҳида эътибор қаратди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг миллий адабиётимиз ва маънавиятимиз юксалишидаги бекиёс ўрни эътироф этилди.

Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг бебаҳо илмий-ижодий мероси нафақат халқимиз миллий маданияти ва адабий-эстетик тафаккури ривожига, балки жаҳон адабиёти тарихида ҳам алоҳида ўринга эга. Улуғ шоир ўз асарларида она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини, бугун жо-

рлардан буён бекиёс деб мактабни бўлиб келмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов. — Бу улуғ зот адабиётда фақатгина тўғри сўз яшаб қолишга ҳаққи эканини яқин англади. Шу боис ҳаммаша "Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил" деган ҳаётий маслак асосида яшаб, ижод қилди. Асарларида тараннум этилган ҳақиқат ва адолат,

халқчиллик ғоялари бугунги кунда ҳам заррача аҳамиятини йўқотгани йўқ. Дунё адабиёти ва инсоният тафаккури тарихини Алишер Навоий сиймоси ва унинг асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳеч шубҳасиз, ҳазрат Навоийнинг "Ҳамса" асари Гомер, Фирдавсий, Низомий, Шекспир, Гёте сингари буюк ижодкорларнинг ижод намуналари қаторида жаҳон цивилизациясининг олтин хазиналаридан ҳисобланади.



Халқимизнинг тафаккур қомуси ўлароқ яратилган ушбу муаззам асар бизнинг маънавий оламимиз нақадар чексиз ва ранг-баранг эканини яққол кўрсатиб берди. Айниқса, бугунги нотинч ва таҳликали даврда улуғ шоир илгари сурган тинчлик, ватанпарварлик ва инсонлар-варлик ғояларининг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

— Яқинда Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилотининг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотини таъсис этишга қарор қилинган жуда катта тарихий воқеа бўлди, — дейди озарбайжонлик навоийшунослар уюшмасининг фахрий аъзоси Рамиз Аскар. — Туркий халқларнинг кўплаб улуғ намоёндалари ҳазрат Навоийни ўзларига маънавий устоз деб билиб, унинг ижодидан илҳомланиб, гўзал асарлар яратган. Бинобарин, бу эзгу ташаббус қардош халқлар ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни



янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Жонахон Ватанимизда учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган бугунги кунда Алишер Навоий яратган бебаҳо адабий хазинанинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Хозирги вақтда таниқли навоийшунослар олимлар ва мутахассислар томонидан "Алишер Навоий асарлари изоҳли лўғати", "Алишер Навоий қомуси", унинг 20 жилдик мукамал асарлари тўплами, рус тилидаги 10 жилдик асарлари ва бошқа кўплаб китоблар нашрга тайёрланиб, чоп қилинмоқда. Аллома шоирнинг бир қатор дostonларининг насрий баёнини тайёрлаш, газалларига шарҳлар ёзиш ишлари ҳам мунтазам давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда Алишер Навоий орденини таъсис этишга қарор қилинган янги Уйғониш даври пойдеворининг барпо этишда мутафаккир шоирнинг ўлмас меросига қай даражада юксак эътибор қаратилаётганини яққол далили бўлди. Юртимизда Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондига асос солинган эса бу улуғ зот қолдирган маънавий хазинани мамлакатимиз ва халқаро кўлиқсиз кенг ўрганиш ҳамда тарғиб қилишда улкан имкониятлар эшигини очди.

Алишер Навоий меросини янада чуқур ўрганиш ва ундан халқимизни кенгрок баҳраманд қилиш бўйича белгиланган тизимли вазифалар илм ва ижод аҳлидан катта масъулият ва сарфарборлик талаб қилиши сир эмас. Мутафаккир асарларида илгари суртилган асарларнинг аҳамияти ўрганиш, уларда муҳимасам бўлган маънолар хазинасидан чуқуррок баҳраманд бўлиш орқали бугунги даврнинг долзарб саволларига жаваб топиш мумкин.

Хозирги пайтда фонд, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва аъзолари томонидан Алишер Навоий асарларини чет тилларга ўғириш ва навоийшунослик соҳасида хорижий тилларда яратилган асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари олиб боришмоқда, шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий, бадвий асарлар ёзилди.

Шундай экан, буюк мутафаккирнинг халқимиз руҳи ва дунёқараши, ҳаётий фалсафаси ёрқин аксини топган асарлари ҳар бир юртоқдoshимиз, айниқса, фарзандларимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор куч ва имкониятларни ишга солишимиз лозим.

Алишер Навоийнинг етук шоир ва аллома сифатида камол топишида Самарқанд шаҳри алоҳида ўрин тутганини жуда катта тарихий воқеа бўлди, — дейди озарбайжонлик навоийшунослар уюшмасининг фахрий аъзоси Рамиз Аскар. — Туркий халқларнинг кўплаб улуғ намоёндалари ҳазрат Навоийни ўзларига маънавий устоз деб билиб, унинг ижодидан илҳомланиб, гўзал асарлар яратган. Бинобарин, бу эзгу ташаббус қардош халқлар ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни

Алишер Навоийнинг етук шоир ва аллома сифатида камол топишида Самарқанд шаҳри алоҳида ўрин тутганини жуда катта тарихий воқеа бўлди, — дейди озарбайжонлик навоийшунослар уюшмасининг фахрий аъзоси Рамиз Аскар. — Туркий халқларнинг кўплаб улуғ намоёндалари ҳазрат Навоийни ўзларига маънавий устоз деб билиб, унинг ижодидан илҳомланиб, гўзал асарлар яратган. Бинобарин, бу эзгу ташаббус қардош халқлар ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни

Алишер Навоийнинг етук шоир ва аллома сифатида камол топишида Самарқанд шаҳри алоҳида ўрин тутганини жуда катта тарихий воқеа бўлди, — дейди озарбайжонлик навоийшунослар уюшмасининг фахрий аъзоси Рамиз Аскар. — Туркий халқларнинг кўплаб улуғ намоёндалари ҳазрат Навоийни ўзларига маънавий устоз деб билиб, унинг ижодидан илҳомланиб, гўзал асарлар яратган. Бинобарин, бу эзгу ташаббус қардош халқлар ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни

Дишлод КАРИМОВ («Халқ сўзи»)

Анжуман

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган, дунёда "Авиценна" номи билан машҳур улуғ аждодимиз Абу Али ибн Синонинг ўлмас таълимоти асрлар оша авлодлар эъзозидан бўлиб келмоқда. Қомусий олим таваллуд толган Бухорода "Халқаро Ибн Сино ўқушлари" илмий-амалий анжумани аънавий тарзда ўтказиб келинаётгани ҳам юқоридаги фикр тасдиғидир.

ИБН СИНО МЕРОСИ — НОЁБ ХАЗИНА

Ўн биринчи бор ташкил этилган ушбу нуфузли тадбирда мамлакатимиз тиббиёт соҳасидаги мутахассислари, шунингдек, Жанубий Корея, Хитой, Хиндистон, Россия каби қатор давлатлар олимлари, тадқиқотчилар қатнашди.

Ибн Сино жамоат фонди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва Бухоро давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда улуғ аждодимиз таваллуд толган Афсона қишлоғида бўлди. Улуғ аллома ҳайкали пойига гуллар қўйилди, унинг номи билан аталган музейдаги нодир экспонатлар билан танишилди.

Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тадбирнинг очилиш маросимидан сўз олганлар мазкур аънавий ўқушларнинг бу гал "Абу Али ибн Сино ва COVID-19" дея номлангани бежиз эмаслигини таъкидлади. Зеро, бугун дунёни таҳликага солган коронавирус пандемияси шароитида буюк аждодимизнинг ўлмас таълимотини чуқур ўрганиш, унинг "Тиб қонунлари"даги илмий ёндашилган тавсияларни тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этди.

— Абу Али ибн Синонинг номи Хитойда ҳам машҳур, — дейди Хитой — Ўзбекистон

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети жамоаси университетнинг Спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш назарини ва устувиятни кафедраси профессори Тўлқин ЮНУСОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таззия изҳор этгани.